<u> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>



1991 йил 1 январдан чика бошлаган

12 май жума

Сотувда эркин нархда Nº 90 (2387)



#### ШАХИДЛАР ХОТИРАСИ -РАССОМЛАР ИЖОДИДА

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг марказий кўргазмалар залида "Шахидлар хотираси - рассомлар ижодида" мавзуида кўргазма очилди. Бадиий академия хамда "Шахидлар хотираси" хайрия жамғармаси хамкорликда ташкил этган кўргазмада Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар сиймоси, қисмати хамда ўша машъум давр рухини акс эттирган 50 тага яқин асар намойиш этилмокда

Айникса, 1916 йилги Жиззах кўзголони, 1920 йилда Бухоронинг тўпга тутилиши, 1937 йил қатағони қурбонлари тасвирланган ранг-баранг асарларда шахидлар сиймолари ёркин гавдаланган. Катагон даврининг аламли ва машъум дамлари, адолатсизлик ва инсон хукукининг поймол килиниши сингари аянчли фожеалар катта махорат ва хакконият билан ифодаланган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Президентнинг Давлат маслахатчиси А.Мелибоев иштирок этди.

#### ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ — ХХІ АСРДА

Тошкент метросининг Юнусобод йўналишида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Бугунгача ушбу йўналишда қурилиш ишларининг 75 фоизи амалга оширилди. Йўналишнинг биринчи навбати 2001 йилда, иккинчи навбати эса 2003 йилда фойдаланишга топширилиши лозим. Биринчи навбат ишга тушгач, «Минг ўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Хабиб Абдуллаев» бекатлари буйича қатновчи поездлар йуловчиларнинг узогини якин килади. Иккинчи навбатда эса «Файзулла Хўжаев» ва «Туркистон» бекатлари иш бошлайди.

Айни кунларда Тошкент метрополитенининг 2003 йилда курилиши бошланадиган янги йўналиши ва унинг техникиктисодий асослари устида иш олиб борилмокда. Собир Рахимов станциясидан Сиргали йўналишигача бўлган 8,2 километрлик масофада бунёдкорлик ишлари бажарилиши лозим. Курилиш ишларида Хитойнинг «Ситик» компанияси қатнашади. Метросозлик соҳасидаги мазкур техник-иқтисодий хамкорлик Ўзбекистон учун қулай ва фойдали бўлиб, кредитларни қайтариш муддати 10 йилга чўзилади.

Лойихалаштирилаётган йўналишла бешта станция барпо этилади. Улардан иккитаси ер остида, қолганлари эса ер устида бўлади.

#### **МЕЗОН** — СИФАТ

Тошкент шахрининг Бектемир туманида «Ўзсматана» сантехник асбоб-ускуналар ишлаб-чикаришга мулжалланган янги Ўзбек-Словакия-Германия қушма корхонаси ўз фаолиятини бошламокда.

- Корхона йилига 750 минг дона махсулот чикаришга мулжалланган. Ундан 500 мингдан ортигини 25 турдан иборат тайёр сантехник жихозлар ташкил этади. Ишлаб чикариш жараёнида 60 фоиз махаллий хомашё - мис ва рухдан фойдаланилади. Келажакда бутловчи қисмларни ҳам ўзимизда ишлаб чикариш имкониятлари тугилади. Уч томонлама шартномага асосан махсулотни экспорт қилиш

«Ўзсматана» қўшма корхонасида махсулот сифати ва ишлаб чикариш равон боришига каратилган масалаларга олдиндан ечим топилмокда. Малакали кадрлар тайёрлашга катта ахамият берилаётир. Бектемир туманида истикомат қилувчи 180 нафар ўғил ва қиз барча йўналишдаги ўнга якин ихтисосларга ўкитиляпти.

#### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Республика «Хунарманд» уюшмаси Шахрисабзда «Устошогирд» мактабини ташкил этди.

 Шундай мактаблар сонини йил охиригача ўнтага етказмокчимиз, — дейди республика «Хунарманд» уюшмаси Кашқадарё вилоят булимининг рахбари Гулнора Одилова. - Шогирдлар бу мактабларда ганчкорлик, ўймакорлик, кулолчилик, кадимий безак каштачилиги, зардўзлик ва шу каби халқ хунармандчилигининг бошқа турларини малакали усталар рахбарлигида чукур ўрганадилар.

Ующма аьзолари республика ва хорижий юртларда ўтказилаётган кўргазмаларда иштирок этиб, ўз санъатларини намойиш килиб келмокдалар. Шунингдек, АКШ, Исроил каби мамлакатлар билан хамкорлик тобора кенгайиб бормокда. Уюшма хунармандларни иш билан таъминлаб, уларга буюртмалар топиб беришда катта ташаббус кўрсатиб келяпти. Хозирда ўттиздан ортик кўли гул хунарманд аёлларга ўз уйларида иш ўринлари яратиб берилди.

Йил охиригача элликдан ортик иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Халқ хунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини чет мамлакатларга экспорт қилишни кенгайтириш, Шахрисабздаги «Коба» савдо мажмуини хунармандлар марказига айлантириш, уюшма қошида турли хунармандчилик цехларини ташкил этиш хам бу йил амалга ошириладиган ишлар сирасига киради

«Халқ сўзи», «ЎзА», «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



## ОКСАРОЙДА КАБУЛ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 май куни Оқсарой қароргохида Эрон Ислом Республикаси Президентининг махсус вакили, ушбу мамлакат ташқи ишлар

Урганч шахрида

кад ростлаган мухта-

шам Хотира ва қадр-

лаш хиёбони таббар-

рук фахрийларимиз

иштирокида тантана-

СЎЛИМ

ХИЁБОН

Махаллий меъмор Аб-

дулла Бойжонов лойиха-

си асосида яратилган бу

маскан халкимиз ва юр-

тимиз улугворлиги, бена-

зир қадрият ва анъанала

римиз рухини ўзига синг-

ярим доира шаклидаги 13

та арк — ғиштдан қури-

либ, усти мармар билан

қопланган иншоотлар

хамда уларга мос кўркам

айвонлар бунёд бўлди.

Миллий ёгоч ўймакорли-

ги санъатининг беназир

намуналари бўлган нақ-

шинкор устунлар ва пеш-

тоқлар айвонлар кўркига-

Умрбокий хотира ва

қадр хурмату эъзоздан

дарак берувчи салобатли

темир китобларга фа-

шизмга қарши беомон

жангларда ҳалок бўлган,

жанггохлардан қайтиб

келмаган йигирма минг-

дан зиёд хоразмликлар-

баландлиги беш метр

бўлган ҳайкал ўрнатилган.

«Мотамсаро она» ғам-ғус-

сага ботиб, чорасиз кол-

ган аёл сиймосини эслат-

майди. У юрт бахт-саода-

ти йўлида жон фидо эт-

ган жигаргўшасининг

номи ўчиб кетмаслигини.

хотираси унутмаслигини

бунёд этилди. Мўъжазги-

на фавворалардан дамо

дам сочилиб турган оби

хаёт томчилари теварак-

атрофга сокинлик бахш

«Халқ сўзи» мухбири.

Хиёбонда гулзорлар

ўртасига

C. ABA3,

нинг номлари битилган.

Хиёбон

ўйлаётгандай.

кўрк қўшиб турибди.

марказида

дирган.

Хиёбон

ли очилди.

Мухаммад Одилийни кабул килди.

Сухбат чогида Ўзбекистон-Эрон муносабатларини янада ривожлантириш, хусусан, иктисодий хамкорлик бўйича хукумат- Ўзбекистон Президентига

вазирининг ўринбосари лараро қўшма комиссия- Эрон рахбарининг шахнинг навбатдаги мажлисини ўтказиш хамда минтакавий хавфсизлик билан боглик масалалар юзаси-

дан фикр алмашилди. Мухаммад Одилий сий мактубини топширди.

(¥3A) СУРАТЛАРДА: қабул пайти A. TYPAEB олган суратлар.

Диан Морло хоним бошчилигидаги мазкур делегация Ўзбекистон Республар ва ташки савдо "ликаси Олий Мажлисида

Олий Мажлис раисининг ўринбосари Фарруха лар палатаси аъзоси Мухитдинова билан бўлган

учрашув чогида Ўзбекистон билан Канада ўртасида парламентлараро хамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди

#### ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАГИШЛАНДИ

Узбекистон Хотин-қизлар қумитасининг пленуми булиб ўтди. Унда махалла хотин-кизлар кумиталарининг Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида ёшларга истиклол мафкурасини сингдириш ва уларнинг маънавий камолотини таъминлаш борасидаги кўрсатмаларидан келиб чикадиган вазифалари тўгрисида Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Гуломованинг маърузаси тингланди

Сўзга чиққанлар бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш билан бирга, махалла хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшлар, оналар билан маънавий-маърифий мавзуларда мунтазам учрашув ва сухбатлар ўтказиш, кишлок хотин-кизларининг турмуш даражасини яхшилаш, саломатлигини тиклаш учун зарур шароит яратишга кўмаклашиш зарурлигига эътиборни каратдилар.

Шунингдек, йигилишда Тошкент шахри ва Фаргона випояти хотин-қизлар қўмиталарининг тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш борасидаги фаолияти хакидаги масала хам кўриб чикилди,

> з.усмонова, УзА мухбири.

## **БИРИНЧИ БОСКИЧ**

Иктисодиётни эркинлаштириш ва кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича вазифаларнинг ижроси юзасидан мамлакатимизнинг барча худудларидан кобилиятли ва истикболли ёшларни банк тизимига жалб этиш мақсадида Марказий банк хузурида Илмий кенгаш ташкил этилган эди. Якинда бу ерда «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва банк тизимида ислохотларни чукурлаштириш» мавзуида республика илмий-амалий семинарининг биринчи боски-

чи ўтказилди. Семинарда Марказий банк ва тижорат банклари хамда иктисодий сохада етакчи ўкув муассасаларининг рахбарлари ва республиканинг кўзга кўринган иктисодчи олимлари иштирок этдилар.

Илмий кенгашга Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шахридан 19 та реферат келиб тушган эди. Улардан 9 таси семинарда мухокама қилиш учун тавсия этилди.

Бу рефератлар муаллифларининг аксарияти Марказий банкнинг худудий бошқармалари, Миллий банк, Асакабанк» ва «Пахтабанк» мутахассислари хамда Банк-молия академияси тингловчилари эди.

«ХИФбанк»нинг маркетинг бўлими бошлиги Хилола Шукурованинг «Микрокредитлаш истикболлари», Банк-молия академиясининг тингловчиси Эркин Мухиддиновнинг «Ахолига кўрсатиладиган банк хизматларини кенгайтириш ва жисмоний шахсларнинг накд пул маблағларини жозибадор депозитларга жалб этиш» мавзуидаги рефератлари, айникса, юкори бахоланди. Илмий кенгаш аъзоларининг карорига кура, хар иккала муаллиф семинарнинг 1-тур голиблари сифатида семинарнинг 2-турига йўлланма олдилар. Реферат муаллифларининг, айримларига эса Банк-молия академияси ва бошка иктисодий олий ўкув юртларида ўқиш учун йўлланмалар беришга қарор қилинди.

А. ХАЙДАРОВ.

#### ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Шу кунларда мамлакатимизда Канада парламентининг Халқаро ишбўйича доимий қўмитаси делегацияси мехмон бўлиб турибди. Жамоа-

атагон йиллари-

даги қирғин

халкимизни асл фар-

зандларидан жудо

хотирасини азиз ва

тубсиз жарликлардан

рини бирма-бир йигиш-

Утмишга хурмат, эзгу

овлок масканлар,

гояларга эътикод

рухида тарбия кўрган

халқимиз мустақиллик

қадриятларини тикла-

мокда. Буни қарангки,

ўттизинчи йиллардаги

адолатсизлик оқибати-

да рўй берган вайрона-

Президентимиз Ислом

билан кўркам зиёратгох

барпо этилди. Мангу-

ликка дахлдор бундай

ўзбек қалбида чексиз

ғурур туйғусини жуш

урдиради.

савобли ишлар ҳар бир

гарчиликлар ўрнида

Каримов ташаббуси

шарофати билан азалий

тириб олди.

бўлди.

## Вокеа арафасида

мангуга битиш учун килганлиги эндиликда килинган ишлар мазмутўла аён бўлди. Инсон нан неча-неча асрларга татийди. мукаддас билган ўзбек

Мана, уларнинг бир кисми: 1991 йил 6 феваждодларининг суякла-

1996 йил 19 июнда Бухорода Файзулла Хужаев хайкали очилди Шу йил декабрда Абдурауф Фитрат таваллудининг 100 йиллиги

## МУКАДЦАС **ЗИЁРАТГОХ**

ралда адабиёт ва санъат сохасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат

мукофоти таъсис этилди. Уша йилнинг 25 сентябрида Абдулла Қодирий, Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон, Абдурауф Фитратга ўлимидан кейин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

Қўхна тарих олдида биз яшаётган йиллар, 1994 йили озодлик балки, бир лахза каби йўлида жонини фидо этган улуг ёзувчи Абдулла қисқа бўлиши мумкин. Лекин мустабидлик Қодирийга мамлакатда занжири парчаланганбиринчи бўлиб Ватаннинг дан кейинги бир неча юксак мукофоти йил ичида улуг аждод-«Мустакиллик» ордени ларимиз хотирасини берилди.

нишонланди 1999 йил 9 майда Тошкент шахрининг марказида Хотира майдони очилди.

1999 йили улуг шоир Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпонга «Мустакиллик» ордени берилди, унга Андижон шахрида хайкал очилди. 1999 йилнинг 22

июлида «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўгрисида»ги Вазирлар Махкамаси қарори эълон килинди ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври курбонлари

хотира мажмуасини барпо этиш вазифаси белгилаб берилди.

2000 йилнинг май ойига келиб «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қуриб битказилди

Аждодлар хотирасини эъзозлаш, абадий мухрлаш бўйича қисқа муддатда бажарилган ишларнинг бир кисмини санаб чиққанда ҳам унинг қанчалик оламшумул микёс касб этганлигини хис этиш мумкин.

Тогнинг юксаклиги узокдан кўзга ташлангани каби буюк ишларнинг салохияти йиллар, асрлар ўтгач яққол хис этилади. Шу маънода мен хаёлан XXI асрнинг ўттизинчи йилларида бу масканга ўз набирасини етаклаб келган нуроний отахоннинг хикоясини шундай тасаввур қиламан: «Мана шу жойлар юз йил олдин қатлгоҳ бўлган, ўтган аср охирига келиб, мукалдас зиёратгох яратилган. Шундай юртга муносиб фарзанд бўл, болам!».

Шухрат ЖАББОРОВ.

Россиянинг Твер шахрида ўсмирлар ўртасида кураш бўйича биринчи жахон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 9 та

#### **Y3Dekuctohank** курашчилар галабаси

мамлакат спортчи-

лари иштирок этди.

Узбекистонлик курашчилар жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Россия жамоасига, учинчи ўрин эса Эстония курашчиларига насиб этди.

Шахсий хисобда ўзбекистонлик Низомиддин Хўжабоев, Хикмат Куртов ва Фуркат Маматов жахон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Бахром Эрматов кумуш, Олим Равшанов эса бронза медални қўлга киритди.

Кизларимиз хам яхши натижаларга эришди. Феруза Хайдинбекова ва Людмила Кожемякина кумуш, Гулмира Жалолова эса бронза медалига сазовор бўлди.

(XSA)

#### «РАНГЛИ МЕТАЛЛХЎРЛАР»

қирлар орасида жойлашған. Бу ерга кузовига оғир юк ортилган 5 та «КамАЗ» машинаси кириб келди. Машинадан тушган шубҳали кишилар божхоначилардан бирини четга тортиб, унга нималарнидир уктира бошладилар. Божхоначи анойилардан эмас эди. У «мехмон»ларни ичкарига таклиф қилди. Маълум бўлишича, автомашиналарга 50 тоннадан зиёд рангли металл юкланган, бу металлар Киргизистон худудига олиб ўтилиши керак экан. Аммо божхоначилар рангли металлни виждонига кушиб ютганлар, юртимиз бойликларини арзимаган пул эвазига сотиб юбормокчи булганларнинг найрангига учишмади. Ранг-

«Найман» божхона пости ли металл парчалари, автомашиналар ва шубхали кишилар тергов органлари ходимлари қўлига топширилди.

Кувасой шахри худудидаги божхоналарда бундай вокеалар онда-сонда бўлса-да, рўй бериб туради. Чунки шахар сархадлари Киргизистоннинг Боткен ва Уш вилоятлари хамда Қизилқия шахри билан туташиб кетган. Халқ мулкини қинғир йўллар билан четга пулламоқчи бўлган «мисфурушлар» айнан шу худудни танлаётганликларининг боиси шунда.

Ачинарлиси, бу ердаги айрим корхона ва ташкилотлар, жамоа хўжаликларида ҳам рангли металларни ўғирлаш, сув текинга сотиб юбориш холлари учрамокдаки, бунга асло муроса қилиб бўлмайди.

#### УFРИ МЕХМОНЛЯР... Давлат раками 54-25 АНЛ, 33-02 Пакана кишлогидаги трансформа-

АНЛ бўлган «Газ-53» русумли машиналар Акмал Икромов номли ва Хамид Олимжон номли жамоа хўжаликлари худудларида тез-тез пайдо бўла бошлади. Бу хол Кувасой шахар ички ишлар бўлимининг ДАН назорати булими ходимларида шубха уйготди.

Машиналар назоратга олинди. Нурматов кузатувида Муҳаммаджон Мамадалиев ва Бахтиёр Қорабоевлар бошқариб келаётган машиналар текширилганда, уларнинг кузовида юкори кучланишдаги трансформаторларнинг рангли металл кисмлари борлиги аникланди. Дастлаб «мехмон»лар буларни Х.Олимжон номли жамоа хўжалигидан харид қилганликларини айтищди. Лекин хеч қандай хужжат кўрсата олишмади. Вокеа тафсилоти суриштирилгач, улар аввал Кўчкорчи-Сўфон йўлидаги, сўнгра Янгиарик кишлогидаги шахар сув хужалиги бирлашмасига қарашли насосларга хизмат кўрсатадиган трансформаторларни пачоклаб, ичидаги рангли металларни сугуриб олганликлари аён бўлди. Қарангки, тергов давомида айни шу кимсалар А.Икро мов номли жамоа хўжалиги хамда

торларни хам пачоклаб, рангли металларни ўмариб кетганликларини тан олдилар.

Бундай мисоллар ягона эмас. Хаётжон Шералиев «Кувасойпарранда» хиссадорлик жамиятидаги нархи 1 миллион 200 минг сўмлик трансформаторни болта билан чопиб, унинг ичидан 54 минг сўмлик рангли металларни чикариб олади Унга шериги Мухтор Жамолиддинов ва коровул Кахрамон Рахматул лаев ёрдам берган экан. Угрилар килмишларига яраша жазоланди лар, лекин бир неча кун давомида 5 та кишлокда электр чироги ёнма ди. Паррандачилик мажмуида қурилаётган янги фермани фойдаланиш га топшириш муддати эса кечикти рилди. Устига устак, 1 миллион 200 минг сум зарар.

Савол гуғилади. Нахот, ўгри мехмонларни ва атрофимиздаги улар га ўхшаганларнинг танобини тортиб қўймаймиз? Ёки буни хам кимдир айтиши керакми?

> Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

## «МЕН ХАЛКИМНИНГ «...НАМЙАШЯ АДИГАЯН

Жиззахда Хамид Олимжон боги очилди

Улкан ижод сохиби, бахт ва шодлик куйчиси Хамид Олимжон ушбу сатрларни битаётганида йиллар ўтиб, туғилиб-ўсган элида ўзининг номида бог яратилишини хаёлига келтирганми-

Жиззах шахрида шоир таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан барпо этилган Хамид Олимжон боғининг айни Хотира ва қадрлаш кунида очилгани байрамга ўзига хос рух бағишлади.

Шу куни бу ерга республикамизнинг турли бурчакларидан таникли шоирлар, ёзувчилар, Х. Олимжоннинг қариндош-уруғлари ва мухлислари ташриф

буюришди. Шоирнинг салобатли хайкали пойига гулчамбарлар қуйилди.

Мехмонлар ўша куни Хамид Олимжоннинг уй-музейини хам зиёрат қилишди. Уймузейнинг иккинчи қавати шоирнинг умр йўлдоши ва садокатли дўсти, бетакрор шоира Зулфияхонимнинг ижоди хамда хаёт йўлини акс эттиришга бағишланган.

Бу икки ижодкор хамиша халқ қалби ва ардогидадир.

Б. CATTOPOB, «Халқ сўзи» мухбири.

Иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси олдидан

## ТАКЛИФ

Мен матбуотдан Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг янги тахрирдаги лойихаси мухокама килинишини ўкиб қолдим. Маълумки, амалдаги қонун бундан саккиз йил аввал 1992 йилнинг январида қабул қилинган эди. Мазкур қонун мухокамаси пайтида мен «Спорт иншоотлари фақат аниқ кўзланган мақсадлар учун ишлатилиши керак» деган таклифни ўртага ташлаб, фикримни ўша даврда Олий Кенгаш эътиборига хавола қилган эдим.

Афсуски, ушбу таклифим инобатга олинмади. Лекин мазкур муаммо хамон ечимини топгани йўк. Спорт иншоотлари хужалик хисобига утказилиши бахонаси билан жисмоний тарбияга мутлако алокаси бўлмаган ташкилотлар, фирмалар ихтиёрига ижарага бериб қуйиляпти. Масалан, Киргули туманидаги сузувчилар базаси яшиклар тайёрлайдиган цехга айлантирилди. Натижада мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари, олимпиада ўйинлари қатнашчилари кўчада қолишди. Хозир хам Фаргонадан олисда машгулотлар ўтказишга мажбур бўлишяпти. «Фаргона» стадионидаги шахмат клуби, согломлаштириш гурухлари машк киладиган иншоотлар бекитилиб, фойда келтирадиган бошқа мақсадларда ишлатилди. Колган иншоотлар хам турли йўналишлардаги цехларга айлантириб юборилгани хеч кимга сир эмас.

Агар янги тахрирдаги қонун лойихасида юқоридаги таклиф инобатга олинса, куп учрайдиган узбошимчалик, ўзибўларчиликларнинг олди олинар эди.

Яна бир фикр. Амалдаги Конуннинг 5-моддасида махаллий кенгашларнинг жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришдаги роли ифодаланган. Шу модданинг иккинчи бандида махаллий кенгашлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни молиялаштириши уктириб ўтилган. Лекин кайси манбалар хисобига эканлиги мавхум бўлиб қолган. Шу моддага ҳам аниқлик киритилса, мақсадга мувофик бўлар эди.

Анвар АБЛЯКИМОВ, Фарғона вилоят спорт қумитаси раиси.

ошкент давлат техника университети билан Фарғона вилоятидаги Бешарик ва Ўзбекистон туманлари ўртасида якин амалий хамкорлик йўлга куйилди.

Бунинг илк қадамларидан бири шу бўлдики, ўнлаб ширкат хўжаликлари ва фукаролар йигинлари идораларига, маданият уйларига,

мактабларга ва кутубхоналарга мустакилликнинг ўтган даври мобайнида республикамиз эришган ютуклар тўгрисида хикоя қилувчи

хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг улкан ва серкирра рахбарлик фаолиятига бағишланган рангли плакатлар туркумлари тортик килинди. Мазкур плакатлар асосида жойларда маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилиб, келгусида улар янги кўргазмали материаллар, адабиётлар билан бойитиб борилади.

Бешарик ва Ўзбекистон туманларидаги мактаблардан 8 тасига эса хомийлар ёрдамида замонавий компьютерлар такдим этилди. Компьютерларни техника университетининг

малакали мутахассислари махсус хоналарга ўрнатиб, ишга тушириб беришди. Битта мактабда ўкувчиларнинг чет тилларни ўрганишига қулайлик туғдирадиган лингафон синфи очилди, 15 та мактабга диапроекторлар ва 9 та болалар богчаларига мусика асбоблари совга қилинди. Шунингдек, бу иккала тумандаги мактаб-

ларнинг 8-синфини

тугатаётган ёшларнинг 25

нафар энг иктидорлилари

тест синовлари орқали

танлаб олиниб, техника

университети қошидаги

академик лицейда ўқишла-

рини давом/эттириш учун

Президентимиз халк

вилояти кенгаши сессияси-

даги нуткида, жумладан, бу

ривожлантириш, ахолини иш

вилоятда тадбиркорликни

билан таъминлаш, етишти-

рилаётган махсулотлар

сифатини яхшилаш каби

килишга хафсаласизлик

долзарб масалаларни хал

билан ёндашилаётганлигини

депутатлари Фаргона

тавсия этилди.

кескин танкид килган эди. Вилоятдаги бундай муаммоларнинг ечимини топиш борасида Тошкент давлат техника университети олимлари хамда Фаргона вилояти хокимлиги вакиллари биргалик да жойлардаги ахволни ўрганиб чиқиб, бу худудда германиялик тадбиркорлар билан хамкорликда

махаллий маъдан сувини кадоклаш хамда мевасабзавот махсулотларини

ишлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона ташкил этиш мумкин, деган хулосага келишди хамда ушбу қўшма корхонанинг лойихаларини жадаллаштириш тўгрисида келишиб олинди

Бу хайрли хамкорликни ўрнатишда ташаббускорлик кўрсатган Тошкент давлат техника университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Т. Миркомиловнинг саъйхаракатларидан шу икки туман фукаролари бехад мамнун булдилар

м.сафаров, «Халқ сўзи» мухбири.

#### Кун тартибида: инсон хукуклари

Самаркандда инсон хукуклари бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди. Бу тадбир Тошкент давлат юридик институти кошидаги Инсон хукуклари ва инсонпарварлик хукуклари ва инсонпарварлик хукукини ўрганиш маркази ва Узбекистон ишбилармон аёл-лари уюшмасининг Самар-канд бўлими томонидан

малга оширилди. Семинарда Самарқанд Жиззах, Қашқадарё ва Бухо-ро вилоятларидаги инсон хукуклари муаммолари биланшугулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакил лари иштирок этди.

Инсон хукуклари ва инсон парварлик хукукини ўрганиш маркази директори, иктисод фанлари номзоди О.Мухаммаджонов Марказ тўрт йиллик фаолияти мобайнида инсон хукукларининг турли жи хатларига доир семинарлар ўтказганини айтди. Бирок ушбу семинар вилоятда ил-гари ўтказилган шундай тадбирлардан тубдан фарк кила

ди. Бу биринчи кўчма семинар-тренинг бўлиб, Канада даги инсон хукуклари жам-гармаси махсус ишлаб чикқан ва жахоннинг турли мин тақаларида самарали қулла наётган ўкитиш услубига

Менинг назаримда, дейди О.Мухаммаджонов, бизнинг асосий вазифамиз тингловчиларга инсон хукуклари буйича билим бе-риб колмасдан, бу билимлардан ўз хукук ва манфаатла-рини химоя килишда амалда фойдаланишга ўргатишдан иборат. Август ойининг охири — сентябр ойининг бош-ларида Нукусда ва Фаргона водийси шахарларида шундай семинар-тренинглар ўтказишни

д.САИТОВА, ЎзА мухбири.

## Хамкорликнинг янги уфклари

Мамлакатимизга Германиянинг Кредитенштальдт фюр Видерауфбау банки (КфВ) делегацияси ташриф буюрди. Банк бошқаруви аъзоси Питер Клаус бошчилигидаги ташрифдан кўзланган асосий максад Узбекистонда иктисодий ислохотларнинг бориши, биргаликдаги лойихаларни ижро этиш жараёни ва хамкорликни ривожлантириш истикболлари билан танишишдан иборат. Ташриф доирасида хукумат вакиллари, катор вазирлик ва идоралар рахбарлари билан учрашувлар

ўтказилди. Молия вазирлигида ўтказилган учрашувда Узбекистон хорижий давлатлар билан иктисодий хамкорликни кенгайтириш ва чукурлаштириш йўлидан ишонч билан бораётганлиги кайд этилди. Республика рахбарияти хорижий сармоя жалб этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алохида эътибор қаратмокда. Бу борада КфВ ишончли хамкорга айланган. Унинг Ўзбекистон билан хамкорлиги баркарорлиги ва немис хамкорларнинг хайрихохлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, ярим асрлик тарихга эга бу молия институтининг тажрибаси Ўзбекистон

тараққиёт банкини

тузишда жуда фойдали бўлиши мумкин.

КфВ вакиллари республикада амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдириб, Узбекистон уларнинг Марказий Осиёдаги энг ишончли хамкори эканлигини қайд этди.

КфВ делегациясининг Узбекистон Ташқи иктисодий фаолият миллий банки рахбарияти билан учрашуви якунида бир қанча хужжатлар имзоланди. Хусусан, музокара иштирокчилари АҚШ долларида янги кредит линияларини очиш имкониятларини кўзда тутувчи хужжатга қўл қўйди.

Делегация аъзолари Миллий банк рахбарияти билан ушбу банк оркали кайта молияланаётган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга мўлжалланган КфВ кредит линияси кандай амалга оширилаётганини, шунингдек, тижорий молиялаш сохасидаги хамкорлик истиқболларини мухокама килди.

КфВ делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий алокалар вазирлиги рахбарияти билан хам музокара ўтказди.

(¥3A)

# Банк ва тадбиркор: ЭП ЭХТИЁЖИ — **АСОСИЙ МЕЗОН**

Бозор иктисодиёти шароитида ахолини иш билан таъминлаш му**аммоси вужудга** келиши табиий хол. Андижон вилоятида бу муаммонинг ечимини топишга алохида эътибор каратилмокда. Чунончи, кишлокка саноат олиб кирилаяпти, маиший хизмат турлари кўпайтирилмокда, ихчам, бирок илгор технологияга асосланган кичик ва ўрта бизнес ривожлантирилиб, дехкон ва фермер хўжаликлари сафи кенгайтирилаётир. Бунда, айтиш мумкинки, банкларнинг хам хиссаси катта булмокда. «Узсаноаткурилишбанк»нинг Андижон минтакавий булими фаолияти бунга мисол була олади.

ажратмаганида, бугун Шахрихон туманининг Сегазакум кишлогида, вилоятнинг бошка туманларида йирик саноат корхоналари жуда киска муддатларда куриб битказилмаган бўлар эди. Масалан, у «Антекс» тўкимачилик мажмуига 827 миллион сўм микдорида узок мулдатли кредит берганди. Бу маблаг хисобига мажмуанинг Булокбоши туманида тикувчилик фабрикаси, Шахрихонда йигирув фабрикаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кунларда яна бир тўкимачилик корхонаси ва бўёк фабрикаси барпо этилаяпти. «Антекс» мажмуи тўла кувват билан ишлай бошлагач, йилига 2,7 минг тонна калава ип, олти миллион погон метр ип газлама, уч миллион дона тайёр махсулот ишлаб чикарилади. Унинг саксон фоизи четга экспорт

Албатта, жахон андозаларига тўла жавоб берадиган махсулот ишлаб чикариш, унинг ички ва ташки бозорда муносиб ўрин олишини таъминлаш учун илгор технология харид қилиниши лозим. Шу максадда «Антекс» ва Швейцариянинг «Лемано» фирмаси ўртасида шартнома имзоланди. Бу тадбирни молиялаш учун эса «Узсаноаткурилишбанк» томонидан 2,5 миллион АКШ доллари микдорида кредит линияси очилди. Бугунги кунда эса ноёб жихозлар вилоятта пешмапеш келтирилмокда.

килинади.

Келгусида янги корхоналарнинг ишга туширилиши туфайли кишлок ёшларидан 1750 нафари доимий иш ўрнига эга бўлади. Кувончлиси, хозирнинг ўзидаёк юзлаб йигит-қизлар жойлардаги фабрикаларда замонавий касб-кор сирларини эгаллашяпти.

Факат шугина эмас. Олтинкўлда терини кай-

Агар мазкур банк ўзи- та ишлаш қўшма корхонанинг беминнат ёрдами- си хам қурилмоқда. У ни бермаганида, зарур ишга тушгач, икки юздан микдордаги маблагни ортик янги иш ўринлари вужудга келади. Бу ерда махаллий ёшлар йилига 450 минг дона қуй терисини ошлаб, импорт ўрнини босадиган 45 минг дона чарм махсулоти ишлаб чикарадилар. Мазкур иншоот шу йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Бунинг учун банк 549 миллион сўм микдорида кредит ажратган.

Шу билан бирга, банк жамоаси ахолининг талаб ва истакларини ўрганган холда, истикболли лойихаларга хам маблаг ажратаётгани диккатга лойик. Айникса, инвестиция лойихаларининг зарур микдордаги маблаг билан таъминланаётгани эътиборга лойик.

Маълумки, республикамиз мустакилликка эришганидан кейин жойларда курилиш ишлари хажми ортди. Кўплаб маданиймаиший хизмат бинолари, савдо-сотик шохобчалари, хатто якка тартибдаги уйжойлар барпо этилмокда. Шу боис курилиш ашёлари, жумладан, шағал, ювилган қумга бўлган талаб хам тобора ошмокда.

Шуни инобатга олиб, Андижон туманидаги «Мустақиллик» кўп тармокли фермер хўжалиги шағал саралаш корхонаси қурмоқчи бўлган эди. Банк бу тадбиркорларнинг таклифини синчковлик билан ўрганиб чикди. Маълум бўлишича, корхона ишга туширилса, хар икки томон дурустгина даромад олишидан ташкари, водий ахолиси, қурилиш ташкилотлари хам йилига 25 минг тонна шагал, 15 минг тонна шебень, ўн минг тонна ювилган қум билан таъминланар экан. Устига устак, бу махсулотлар бирмунча арзонга тушади, ўнлаб йигитлар ишли бўлади. Шунинг учун банк тадбиркорларга 15 миллион сўм микдорида имтиёзли кредит ажратди. Уз фаолиятларини мебел ишлаб чикариш ва таъмирлашга йўналтирган «Ал-Бухорий», «Ботирхон-Тўра М» хусусий фирмалари,

«Хакимжон» фермер хўжалиги хам банк кредитидан бахраманд бўлдилар.

Биз ўз имкониятла римизни хисоблаб чикиб. - дейди банк бошкарувчиси Холмухаммал Каримов, - тадбиркорлар, умуман, кичик ва ўрта бизнес субъектларига киска муддатли кредитлар берилишини хам йўлга қўйдик. Шу мақсадда жорий йилнинг биринчи чорагида 98 миллион сўм ажратилди. Хусусан, «Ал-Сабр-Ойя» кичик корхонаси 15 миллион сўм, «Мукаммал», «Юпитер» хусусий фирмалари 10 миллион сўмдан кредит олдилар.

Дархакикат, банк ва мижоз хамкорлиги йўлида амалий қадамлар қўйилди. Бу ҳар икки томон учун манфаатли бўлаётир. Бир мисол. Шу йилнинг январ ойи холатига кўра, банкнинг жами кредит қўйилмаси 3.916 миллион сўмни ташкил этган бўлса, апрелда бу кўрсаткич 4.053 миллион сўмга етди. Киска муддатли кредитлар микдори эса 140 миллион сўмга ўсди.

Бугунги кунда мазкур банк жамоаси 764 та хусусий фирма, кичик ва ўрта корхонага хизмат кўрсатмокда. Кредит олиш жараёнини осонлаштириш, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида якинда бу ерда «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил этилди. Эндиликда банк ходимлари мижозларга турли мавзуларда маслахатлар бермоқдалар, тадбиркорларга бизнес режаларини тузишда амалий ёрдам кўрсатмокдалар, миллий ва хорижий валютада микрокредитлар таклиф этмокдалар.

Табиийки, ана шу саъй-харакатлар туфайли вилоятда ишсизликка бархам берилмокда, арзон ва сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришга замин яратил-

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## **МИПАМА** СЕМИНАР-КЕНГАШ

Республика Адлия вазирлигида ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи идора ва ташкилотларда шартномавий муносабатларни шакллантириш масалаларига бағишланган амалий семинар-кенгаш булиб утди.

Семинарда жойларда шартнома асосида иш юритиш иктисодий ва ижтимоий баркарорликни таъминловчи мухим омиллардан булса-да, бу борадаги ишлар хукукий нуктаи назардан олиб қаралғанда анча паст савияда амалга оширилаётгани кайд этилди. Айни вактда мавжуд шартномаларнинг аксариятида томонларнинг манфаатлари ва бажарилиши дозим булган хукукий талаблар тулик акс этмаяпти. Айрим хужжатларга икки томоннинг хам хукук ва бурчларига мос келмайдиган талаблар, мажбуриятлар киритилади. Бу эса қонун талабларининг бузилишига, мазкур шартномаларнинг бажарилмай қоғозда қолиб кетишига олиб келмокда. Маълум булишича, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш тизимларида шартномавий муносабатларни шакллантиришда хукукий билим ва амалий тажрибага тулик риоя этилмаяпти. Мазкур вазирлик ва идоралар тизимида расмиятчилик учун, номигагина шартнома имзолаш одатий холга айланиб қолган.

Тадбир иштирокчиларига шартномалар тузиш тамойиллари хамда бажарилишини таъминлашнинг хукукий асослари — мажбурият ва жавобгарлик тугрисида батафсил маълумот берилди.

(Y3A)

Халк депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нуткида Президентимиз ви-лоят мактабларида бир катор фанлар бүйича мутахассислар етишмаслигини хам алохида тилга олган эди. Дархакикат, бу ердаги кўплаб илм масканларида ана шундай ахволни кузатиш мумкин.

ўз мехнатининг махсулидан мамнун.

Жаркургон бизнес мактаби директори Хамро Хасановнинг телефондаги гурунги узокка чўзилди. Директор тегишли ташкилотнинг вакилига ўзларида тарих,биология, география, физика, чет тили, информатика фанлари бўйича ўкитувчи етишмаслигини батафсил тушунтирди. Хасанов билан бизнинг сухбатимиз хам сим орқали сўзлашувга давомат бўлди.

- Кадр етишмаслигидан бир қатор фанлар бўйича бошқа жойлардан ўкитувчиларни ишга таклиф этганмиз, - дейди у. Ва айни пайтда агрономнинг харбий чакириккача ёшлар тарбиясидан. физика ўкитувчисининг астрономиядан, кимёбиология ўкитувчисининг географиядан дарс бериб келаётганини хам яширмаслигимиз керак. Кузатувимча, факат бизда эмас, умуман, қишлоқ ёшларининг, масалан, педагогик ўкув даргохларига ўкишга киришга интилишлари суст. Укитувчи ихтисосини олган шахарликнинг бўлса қишлоққа бориб ишлашга истаги ба-

ланд эмас. Натижада.. Киркка якин ўкитувTabnum

## АПИКУПОВ ДИППОМИНИ... топиб опганми?

чимиз бор, деяпсиз. Уларнинг малакаси, ўз касбига қизиқишлари ҳақида фикрингиз қандай? — деб сўрайман директордан. Директор кулди. Талабаларга яхширок билим бермоқ учун имкониятларимизни аяётганимиз йўқ, деди.

Даврон АХМАД

олган суратлар.

Шу пайт директор хузурига йигирма саккиз ёшлардаги зиёлинамо йигит кириб келди. Танишдик. Баходир Аликулов — тарих ўкитувчиси экан. Бир қанча йилдан буён шу мактабда ишлаётган экан. Термиз давлат университетида тахсил олганини, доцентлар, профессорлар унга дарс берганини билдирди. Баходирни қайта имтихондан ўтказиш, унинг малакасини тафтиш қилиш хаёлимизда йўқ эди. Лекин директор билан қуриб турган сухбатимизга унинг ўзўзидан аралашиб қолиши диккатимизни тортди. - Мен рус тили ўқитув-

чисиман, - деди Хасанов. Мактабимизга коллеж макоми берилаётгани муносабати билан мен Тошкентга бориб, имтихон бериб қайтдим. Аттестациядаги, оддий бир саволга, тўгриси, жавоб тополмай қолдим. Хозир кў-ўп китоблар қатори иқтисодий би-

лим асосларини ўкияпман Сиз-чи? Сиз нималарни ўкияпсиз, Аликулов? — дея директор тарих ўкитувчисига каради.

билан. Лекин тугрисини айтиш керак, Жарқўргон нима дегани, Жарқўргон качон туман бўлган, худуди неча квадрат километр, қанча пахта, ғалла етиштиради, деган саволларимизни у қатъият билан ечиб беролмади. Хатто, нимасини айтасиз, республика Вазирлар Махкамасининг «Термиз шахрининг 2500 йиллигини, нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўгрисида»ги қарори нима муносабат билан, не мақсад билан қабул қилинганини хам эплаброк шархлай олмади ва хатто, Чингизхон истилоси качон со-

нинг ахволи. Аликуловнинг дарс дафтарларидаги ёзувларга қараганда, у талабаларига «Америка Қушма Штатлари», «Дехкон хўжаликларини коллективлаштиришнинг тугалланиши», «Капитализм умумий кризисининг чукур-

дир бўлган деган саволга

чайналди. Бу, яна эслатиб

ўтамиз, коллеж ўкитувчиси-

лашуви» ва шунга ўхшаш мавзуларда тахсил беради. Лекин Чингизхон у ёкда турсин, хозирги кунимиз, бугунги тарихи- Биз ҳам ўқияпмиз, миздан, эрталабгина радио хабар берган вокеадеди Баходир синик товуш лар ва янгиликлардан

